



ПРЕСС – РЕЛИЗ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ 1 ИЮНДАГИ
«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ҚўМИТАСИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ҚАРОРИНИНГ ИЖРОСИ ҲАМДА ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА
СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА**

**Айни пайтда тизимда жами 346 та шундан, 4 та республика ташкилоти,
1 та Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария қўмитаси, 13 та вилоят ва
Тошкент шаҳар ветеринария бошқармалари, 328 та ҳудудий давлат
ветеринария органлари ва муассасалар мавжуд**

ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ҚўМИТАСИННИГ АСОСИЙ ВАЗИФА ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ:

ветеринария соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва давлат дастурларини ишлаб чиқиши, меъёрий-хуқуқий тартибга солишни таъминлаш, мазкур соҳада давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

ҳайвонлар юқумли касалликлари тарқалишининг олдини олиш, тезкор аниқлаш, ташхис қўйиш ва эпизоотик барқарорликни таъминлаш борасидаги амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини мониторинг қилиш;

ҳайвонларни турли касалликлардан сақлаш, ҳайвонлардан олинадиган маҳсулот ва хомашёлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида идоравий ва ишлаб чиқариш хизматлари, шунингдек, хусусий ветеринария фаолиятини мувофиқлаштириш;

ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ҳамда муомаласи юзасидан назоратни амалга ошириш;

илмий-тадқиқот ишлари йўналишларини белгилаш, фундаментал, амалий ва инновацион ишланмаларни ветеринария амалиётига жорий этилишини мувофиқлаштириш ва бу мақсадларда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда илғор технология ва тажрибаларни ветеринария соҳасига жорий қилиш ва бошқалар.

ВЕТЕРИНАРИЯ СОҲАСИДА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАР ҲАЖМИ, КЎЛАМИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария илмий-тадқиқот институти Давлат ветеринария қўмитаси тизимига ўтказилди;

Бир бирининг фаолиятини такрорловчи муассасалар, хусусан, Республика давлат ветеринария лабораторияси, Ҳайвонларнинг ўта хавфли касалликлари давлат лабораторияси ва Парранда касалликлари бўйича давлат ветеринария лабораторияси тугатилиб, уларнинг негизида Республика ҳайвонлар касалликлари диагностикаси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги маркази ташкил этилди;

Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифатини назорат қилиш давлат лабораторияси Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчалари сифати ва муомаласи назорати бўйича давлат илмий марказига айлантирилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚАРОРИНИНГ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ:

биринчидан, ветеринария соҳасида ягона давлат сиёсатини юритишга;

иккинчидан, ветеринария амалиётининг фан билан ўзаро самарали ва фаол ҳамкорлигини таъминлашга;

учинчидан, мавжуд кадрлар салоҳиятининг мустаҳкамланиши ва юқори малакали кадрлар захирасини яратишга;

тўртинчидан, ҳайвонлар соғлиғи ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда соҳа фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга мустаҳкам замин яратди.

НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР:

Давлат ветеринария қўмитаси ташкил этилгандан буён ўтган давр мобайнида, ўз ечимини кутиб турган бир қатор долзарб вазифалар амалга оширилишига эришилди. Хусусан,

20 га яқин ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёлари янгидан ишлаб чиқилди;

30 дан ортиқ турли касалликларга қарши қурашиб бўйича йўриқномаларга тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Ветеринария хизматини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 624-сонли қарори билан жамғарма маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 748-сонли қарори билан ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 ноябрдаги 905-сонли қарори билан “Ветеринария дори воситалари ва озуқа қўшимчаларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент қабул қилиниб, дори воситаларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қадоқлаш, ёрлиқлаш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, муомаласи ва йўқотилишида хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар белгиланди.

Шунингдек, Давлат ветеринария хизмати ходимлари меҳнатига қўшимча ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш мақсадида 2017 йил 4 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг 963-сонли қарори қабул қилинди.

Қарор билан “Хавфли ва заарли меҳнат шароитларида ишлаётган ветеринария хизмати ходимлари меҳнатига қўшимча ҳақ тўлаш шартлари ва тартиби тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси ва унинг тизимиға кирувчи ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш шартлари ва тартиби тўғрисида”ги Низомлар тасдиқланиб, амалиётга жорий қилинди.

Қўмита томонидан ўтган давр мобайнида:

2 та қонун ва 3 та кодексста ўзгартириш киритиш бўйича Олий Мажлисга лойиҳалар киритилди,

25 та Ҳукумат қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди;

Ҳозирги кунда 1 та Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши ва 2 та қарори лойиҳалари тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилмоқда.

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА СОҲАГА ҲОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ БҮЙИЧА

2017 йилнинг 27-29 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ҳалқаро Эпизоотик Бюро билан ҳамкорликда Ғарбий Евросиё давлатлари иштирокида ҳалқаро тадбир ташкил этилиб, унда 20 га яқин давлатлардан соҳа мутахассислари ҳамда Европанинг илғор университетлари вакиллари иштирок этди;

2017 йил 18-20 октябрь кунлари Ҳалқаро ветеринария ташкилоти (МЭБ) бош директори Моник Элуа Ўзбекистонга ташриф буюрди;

Бош директор ташрифи давомида:

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси раиси билан учрашиб, келгусида амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар муҳокама қилинди;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ҳалқаро Эпизоотик Бюро ўртасида ветеринария соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишув имзоланди;

Оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ветеринария мутахассислари иштирокида матбуот анжумани (брифинг) ташкил этилди;

Жаҳон банки ҳамда Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбарлари билан учрашиб, ветеринария хизматини янада ривожлантиришга грант маблағларини йўналтириш бўйича келгусида амалга оширилиши долзарб бўлган вазифалар тўғрисида келишиб олинди;

АҚШнинг “Биология соҳасидаги ҳамкорлик” дастури доирасида:

Бухоро ва Хоразм вилоятларида, умумий қиймати 1,9 млн. АҚШ долларига teng бўлган 2 қаватли энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган Ҳудудий диагностик лабораториялар ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди;

Жойларда эпизоотик мониторинг ишлари самарасини янада ошириш мақсадида 6 та ҳудудий ветеринария бошқармаларида эпизоотик кўмак берувчи пунктлар ташкил этилди ва 210 минг АҚШ доллари миқдоридаги жиҳозлар ва автотранспорт воситалари билан таъминланди;

Ветеринария мутахассисларини тайёрлаш ҳамда малакасини ошириб бориш мақсадида Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ветеринария факультети базасида ўқув маркази ташкил этилиб, қиймати 100 минг АҚШ долларига яқин энг замонавий инновацион технологиялар билан жиҳозланди.

Жанубий Кореяning ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги (КОICA) грант маблағлари доирасида Ветеринария илмий-тадқиқот институти учун қиймати қарийб 100 минг АҚШ долларига teng бўлган 14 турдаги замонавий лаборатория жиҳозлари ўрнатилди.

**РЕСПУБЛИКА ХУДУДИДА ЭПИЗООТИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА
АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР:**

Хайвонлар иммун фонидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда профилактик вакцинация қилинди;

857 мингга яқин чорвачилик субъектлари ва аҳоли хонадонларидағи ҳайвонлар сақланадиган жойларда дезинсекция табдирлари олиб борилди;

Республикамизга кириб келган ҳамда транзит орқали ўтаётган 55 мингдан ортиқ автомашиналар ва 2,8 мингга яқин темир йўл вагонлари дезинфекция ишловидан ўтказилиб, заарсизлантирилди;

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида лаборатория текширувлари натижасида истеъмолга яроқсиз деб топилган 122 тонна гўшт, 147 тонна сут маҳсулотлари ва 2200 минг донадан ортиқ тухумлар ўрнатилган тартибда заарсизлантирилди;

Бунинг натижасида аҳоли истеъмоли учун хавфли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишини олди олинди;

Қорамолларнинг наслини яхшилаш мақсадида аҳоли хонадонларида парваришлианаётган 1 млн. 450 минг бошдан ортиқ сигирлар сунъий уруғлантирилди.

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат ветеринария қўмитаси
матбуот хизмати**